

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**«Геология маркшейдерлик  
хизмати» ДК раҳбари**  
Шарипов Ф.Х.

«30» 03 2022г.



**“Геология маркшейдерлик хизмати” ДК нинг молиявий ҳисоботларини 2021 йил 31  
декабр ҳолатига Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиш**

**лойиҳаси бўйича консальтинг хизматлари кўрсатишнинг**

**ТЕХНИК ШАРТЛАР**

**Тошкент 2022**

## 1. Умумий маълумотлар.

### 1.1. Лойиҳа номи

«Геология маркшейдерлик хизмати» ДК нинг молиявий ҳисоботларини 2021 йил 31 декабр ҳолатига Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиш. «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК да Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари биринчи марта қўлланилаётганлиги сабабли, МХХС №1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” талаблари инобатга олиниши зарур.

### 1.2. Буюртмачи

«Геология маркшейдерлик хизмати» ДК

### 1.3. Лойиҳа бўйича хизмат кўрсатишнинг муддатлари:

№	Хизмат номи	Бажарилиш жойи	Бажаришнинг чегаравий муддатлари
1	«Геология маркшейдерлик хизмати» ДК нинг молиявий ҳисоботларини 2021 йил 31 декабр ҳолатига Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиш.	Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Мухтор Ашрафий кучаси 70 уй	2022 йил 30 май

Агар қатнашчининг фикрига кўра ушбу техник шартларда келтирилганидан бошқа муддатлар белгилаш хизмат қийматини камайтириши ёки Буюртмачи хизматдан яхшироқ натижа олиши мумкин бўлса қатнашчи ўзининг техник тижорат таклифида асослантилган тарзда хизмат кўрсатишнинг техник шартларда келтирилганидан бошқа муддатларни келтириши мумкин.

### 1.4. Хизмат кўрсатиладиган давлат

Ўзбекистон Республикаси

### 1.5. Хизмат кўрсатиладиган жой (манзил)

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Мухтор Ашрафий кучаси 70 уйда амалга оширилиши зарур.

### 1.6. Кўрсатилган хизмат натижаси кафолати

Қатнашчи томонидан хизмат кўрсатилиб, натижалар буюртмачига топширилган санадан бошлаб 6 ой.

## 2. Лойиҳа босқичлари

Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун Бажарувчи шартномага асосан қуйидаги 3 муҳим босқичларга бўлинган ишларни бажариши зарур:

### 2.1. 1 босқич. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади.

2.1.1. «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК нинг МХХС-га асосан молиявий ҳисоботларини тузишда трансформация усулидан фойдаланилади. Бажарувчи буюртмачи билан молиявий ҳисоботларда БХХС га ўтиш санасини келишиб олади.

- 2.1.2. Лойиҳани бажариш учун ўз мутахасислар командасини тайинлаш;
- 2.1.3. Молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур даражада «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК нинг молиявий хўжалик фаолияти моҳиятини тушуниб олиш;
- 2.1.4. Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш учун зарур жадваллар тўпламини тайёрлаш ва уларни тўджириш учун «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК га тақдим қилиш;
- 2.1.5. Лойиҳа бўйича ишларнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- 2.2. *2 босқич. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади.*
- 2.2.1. 2021 йил 31 декабр ҳолатига МХХС бўйича молиявий ҳисоботларни тузиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш жараёнини ташкил этиш;
- 2.2.2. Тақдим қилинган жадваллар асосида йиғилган маълумотларни таҳлили асосида БХХС асосида ҳисобот тузишда ҳисобнинг муҳим масалаларини белгилаш;
- 2.2.3. Тақдим қилинган маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таҳлил қилиш ва зарур ҳолатларда тўпланадиган маълумотлар шаклини ўзгартириш;
- 2.2.4. Буюртмачи учун молиявий ҳисоботнинг халқаро мьандартлари ва унга илова қилинадиган маълумотлар шакллари ишлаб чиқиш;
- 2.2.5. Трансформация ўтказмаларининг моделини яратиш;
- 2.2.6. БХМС маълумотларини БХХС форматига трансформация қилиш;
- 2.2.7. Молиявий ҳисоботга изоҳлар маълумотларини шакллантириш;
- 2.2.8. Буюртмачининг қуйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботларини тузиш;
- 2021 йил 31 декабр ҳолатига БХХС бўйича Молиявий ҳолат ҳақидаги ҳисобот;
  - 2021 йил учун фойда ва зарарлар, шунингдек бошқа жами даромад ҳақидаги ҳисобот;
  - 2021 йил учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
  - 2021 йил учун хусусий капиатал ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
  - Молиявий ҳисоботга иловалар.
- 2.2.9. Ҳисобот минг сўмда, ўзбек тилида тузилади.
- 2.3. *3 босқич. Бу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади.*
- 2.3.1. БХХС бўйича тузилган ҳисоботлар аудиторлик текширувидан ўтказилганда аудиторга зарур маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматдар кўрсатилади.
- 2.3.2. Трансформация жадвали ва тузатувчи ўтказмалар аудиторга тақдим қилинади.
- 2.3.3. Аудитор томонидан киритилиши зарур дейилган тузатишлар муҳокамасида қатнашиш.
- 2.3.4. Молиявий ҳисобот комплектининг якуний вариантини тақдим қилиш.
- 2.3.5. Ташқи аудиторнинг асосли тавсиялари бўйича бюртмачи билан биргаликда тузатиш киритиш.

### **3. Асосий шартлар**

- 3.1. Шартнома суммасининг қатъий белгиланиши. Бажарувчининг хизмат сафари, сафарда яшаш, маълумот алмашишларни амалга ошириш ва бошқа лойиҳа билан боғлиқ

харажатлари қатъий сумма билан белгиланади ва шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгартирилмайди.

- 3.2. Команда аъзоларининг доимийлиги ва шартнома амал қилиш муддати давомида лойиҳани бошқарувчи менеджернинг ўзгартирилмаслиги.
- 3.3. Буюртмачи томонидан техник тижорат таклифини ўрганиш босқичида Бажарувчининг лойиҳа командаси аъзолари билан суҳбат ўтказиши мумкинлиги.

#### **4. Хизмат кўрсатиш натижалари ва хизматни қабул қилиш топшириш тартиби**

Хизматларни қабул қилиш «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК томонидан тасдиқланган лойиҳа натижаларига асосан расмийлаштирилган бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва ҳисобварақ фактура асосида амалга оширилади.

#### **5. Харид ҳужжатлари таркибига қўйиладиган талаблар**

Бажарувчиликга даъвогар танловда қатнашиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши зарур:

- Бажариш муддатлари, босқичлари ва тақдим қилинадиган асосий ҳисоботлар кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш режаси (графиги)
- Бажарувчининг ўзи ва лойиҳани амалга оширишда бевосита қатнашувчи асосий мутахассислар ҳақида маълумотлар (резюме, малакасини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар)
- Лойиҳани амалга оширишнинг чегаравий суммаси кўрсатилган тижорат таклифи.

#### **6. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар**

Танловда хизмат ушбу техник шартлар қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли малака ва тажрибага эга ходимлари бор ташкилотлар, қуйидаги қушимча талабларни бажарган ҳолатда иштирок этишлари мумкин:

- Халқаро САР, СІРА ёки АССА сертификатига эга бўлган камида 4 нафар мутахассисга эга бўлиш;
- Камида 4 нафар ички аудитор, ташқи аудитор ва/ёки солиқ маслаҳатчиси малака сертификатига эга мутахассисларга эга бўлиш;
- Хизмат кўрсатиш жараёнида камида 4 (тўрт) нафар малакали мутахассисларни доимий жалб қилиш имкониятига эга бўлиш;
- Хизмат кўрсатишнинг ишонли ва тезкор олиб бориш малакасига эга бўлиш;
- Консалтинг хизматини кўрсатиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат нархининг ҳисобкитоб руйхатини тақдим қилиш.

#### **7. Танловда қатнашишга чекловлар**

Қуйидаги ҳолатлардан камида биттаси аниқланган даъвогарлар танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- а. Охириги 3 йил давомида ўз буюртмачиларига сифатсиз хизмат кўрсатган. Бундай ҳолат бажарувчи айби билан яқунланмаган шартнома, мижоз даъво хати ва хизмат сифатсизлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан белгиланади;



- b. Ушбу техник шартларда талаб қилинган тўлиқ ҳужжатлар тўламини тақдим қилмаган.
- c. Танловда қатнашиш учун нотўғри ёки тасдиқланмаган маълумотлар тақдим қилган.
- d. Таклифнинг молиявий маълумотлари келтирилган қисмини очик ва/ёки муҳрланмаган шаклда тақдим қилган.
- e. Активларига чеклов қўйилган, тугатилиш жараёнида ёки банкрот деб эълон қилинган.

### **8. Хизмат сифати кафолати бўйича талаблар**

Даъвогар лойиҳани амалга ошириш йўналиши ва лойиҳа якунида кутилаётган натижадан келиб чиқиб бажаражиган иш ва хизматлари сифатини тавсифлаши зарур.

### **9. Даъвогарнинг таклифни белгиланган шаклда тайёрлаш бўйича мажбурияти**

Ушбу техник шартларда келтирилган талабларга асосан, диққат билан тайёрланган ҳужжатлар, Даъвогарнинг таклифини холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишининг асосий жиҳатидир. Тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумот баҳолаш жараёнига халақит беради ва Даъвогарнинг танловда ютиш имкониятини камайтириши мумкин. Таклифнинг сифати Даъвогарнинг ушбу лойиҳани бажара олиш салоҳияти ва лойиҳага бўлган қизиқишининг кўрсаткичи сифатида қаралади.

Буюртмачи даъвогардан ушбу ҳужжатга жавоб сифатида олган маълумотлари учун ҳеч қандай тўловлар амалга ошириш мажбуриятини ўзига олмайди. Ушбу ҳужжат Буюртмачига Даъвогарнинг маълумотлар тайёрлаш бўйича ёки маълумотни етказиб бериш бўйича амалга оширилган харажатларини қоплаб бериш ёки шартнома тузиш мажбуриятини юкламайди.

Таклиф тегишли формаларни расмийлаштириш ва тасдиқлашдан ташқари, Даъвогар буюртмачининг барча талабларини тушунганлиги ва таклиф қилинаётган ечимлар, қўйилган барча талабларни бажариши ёки унданда ортиқроқ натижа келтириши ҳақидаги тасдиқни ўз ичигага олиши зарур. Шунингдек таклифда ҳар қандай тузатишлар, махсус шартлар ва ушбу ҳужжатларда келтирилган ҳар қандан техник, ташкилий ёки тижорат талабларидан ҳар қандай оғишлар аниқ кўрсатилган бўлиши зарур.

### **10. Молиялаштириш манбалари ва тартиби**

- 10.1. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш «Геология маркшейдерлик хизмати» ДК нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- 10.2. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳамда танлов асосида танлаб олинган, энг яхши таклифни жунатган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.
- 10.3. Хизмат учун тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларга мос равишда амалга оширилади.

**Ишлаб чиқди:**

Бош Бухгалтер:



Топорова Т.А.